



## КОНЦЕПТНИ НОМИНАТИВ МАЙДОНИ МАСАЛАЛАРИ ХАҚИДА

**Н. Вахидова, 2 босқич магистранти**

**Андижон давлат чет тиллари институти**

Концептни лисонда фаоллаштирувчи воситалар жамланмаси концептнинг номинатив майдони ҳисобланади<sup>11</sup>. Концепт номинатив майдонининг кўлами, унинг коммуникатив релевантлиги, қиймати ва муайян лингвомаданият учун начоғлик долзарб эканлигидан далолат беради<sup>12</sup>. Таъкидлаш жоизки, тилда бирорта ҳам концепт йўқки, тилда ўз ифодасини тўлиқ топа олса, яъни унинг барча репрезентлари кўламини абсолют аниқлаш мумкин эмас<sup>13</sup>. Сабаби, тил доимий ривожланиб боради.

Концептнинг асосий образли вербализация воситалари сифатида фразеологизмлар тан олинади, сабаби айнан улар миллатнинг тегишли концептга нисбатан эмоционал муносабатини ва миллий-маданий информацияни, масалан, халқ менталитети, ҳаёт тарзи, анъаналари, миллий эталонлари ёки стереотиплари, диний қарашлари, тарихи каби оламнинг концептуал манзараси шаклланишида иштирок этувчи жиҳатларини ўзида акс эттириши билан ажралиб туради<sup>14</sup>.

Концептларнинг лисонда ифодаси нафақат лексик, фразеологик, паремиологик ёки текст қатламида, балки фонетик (масалан, интонация, товушга тақлид) ёки грамматик сатҳда (масалан, вазиятни агентив ёки пациентив тарзда ифодалаш) ҳам амалга ошиши мумкин<sup>15</sup>.

Д.С. Лихачев концепт феноменини ўзига хос семантик майдон сифатида кўради<sup>16</sup>. Концептнинг айнан лексик бирликлар воситасида лисонга кўчган қатлами ядро ва периферия каби майдон тузилишига эга бўла олади. Концептуал майдон ўз ичига турли когнитив тузилмалар ҳамда ментал репрезентацияларни қамраб олувчи ва гештальт ва мантиқий сатҳда намоён бўлувчи тузилма бўлиб, концепт ифодалаган маънолар жамланмасидан иборат бўлади. Бироқ айтиш жоизки, концептуал

<sup>11</sup> Попова З. Д., Стернин И. А. Язык и национальная картина мира. – Воронеж: Из-во ВГУ, 2002. – С.66.

<sup>12</sup> Слышкин Г.Г. От текста к символу: лингвокультурные концепты прецедентных текстов в сознании и дискурсе. – М.: Academia, 2000. – С.18.

<sup>13</sup> Степанов Ю.С. Константы. Словарь русской культуры. Опыт исследования. – М.: Школа "Языки русской культуры", 1997. – С.76.

<sup>14</sup> Попова З. Д., Стернин И. А. Язык и национальная картина мира. – Воронеж: Из-во ВГУ, 2002. – С.17.

<sup>15</sup> Карасик В.И. Кўрсатилган манба. – С 111.

<sup>16</sup> Лихачев, Д.С. Концептосфера русского языка / Д.С. Лихачев // Русская словесность. От Теории словесности к структуре текста. Антология / Под ред. В.П. Нерознака. – М., 1997. – С. 280-289.



майдоннинг ҳамма элементлари ҳам лисонда ифодалана олиш хусусиятига эга эмас, чунки бу ментал жараён бўлгани учун ривожланишдан тўхтамайди ва унинг маълум қисми вербал ифода планига кўча олмай қолади<sup>17</sup>.

Е.А.Огнева уқтиришича, концепт ўзининг аниқ чек-чегарасига эга эмас, шу сабабли ҳам ядродан периферияга томон силжиш ортгани сари ассоциациялар камайиб бораверади<sup>18</sup>. Концептнинг қуйидаги майдон иерархияси мавжуд:

**ядро:** асосий когнитив-пропозиционал тузилма бўлиб, концепт тўғрисидаги энг муҳим ахборотни беради ва концептни ифодаловчи калит сўзнинг семантик белгилари, яъни изоҳли луғатларда акс этувчи доминант репрезентлардан иборат бўлади<sup>19</sup>;

**ядро ости зонаси:** концепт ифодалаган вазиятнинг денотатив тузилишидан иборат бўлган мунтазам ва типик характердаги лексик-семантик репрезентлар, изосемик лексик-синтактик тузилмалар бўлиб, асосан бирламчи синонимлар гуруҳини ташкил этади;

**яқин периферия:** майдоннинг ёрқин дифференциал семасини ифодаловчи семемалардан иборат<sup>20</sup>;

**узоқ периферия:** концептнинг турли субъектив ва модаллик маъноларини ўзида жамлайди ва майдоннинг беқарор дифференциал семасини ифодаловчи лексема ва семемалардан иборат бўлади<sup>21</sup>;

**ташқи периферия:** семантик майдонга муайян даражада алоқадор бўлган яширин семаларга эга лексемалардан иборат бўлади<sup>22</sup>.

Демак, муайян концепт номинатив лексик-семантик майдонини ташкил қилувчи лисоний воситалар сирасига кириб, лингвокогнитив татқиқот жараёнида унинг тавсиф, изоҳини таъминлаш вазифасини алоҳида олинган таянч сўз (асосий номинант), унинг иккиламчи номинантлари, яъни семантик ҳосилалар, синоним, антоним, гипероним, гипоним, фразеологик бирликлар, паремиялар, метафора,

<sup>17</sup> Огнева Е. А. Когнитивное моделирование концептосферы художественного текста. – 2013. – С.47.

<sup>18</sup> Огнева Е. А. Кўрсатилган манба. – Б.47.

<sup>19</sup> Попова, З.Д. Понятие «концепт» в лингвистических исследованиях / З.Д. Попова, И.А. Стернин. – Воронеж: Изд-во ВГУ, 1999. – 30 с.

<sup>20</sup> Огнева Е. А. Кўрсатилган манба. – Б.48.

<sup>21</sup> Огнева Е. А. Кўрсатилган манба. – Б.49.

<sup>22</sup> Огнева Е. А. Кўрсатилган манба. – Б.49.



ўхшатиш, метонимия, матн ва турли грамматик категориялар сатҳида юзага келувчи белгилар бажарар экан.

И.А.Стернин кузатувларига кўра, концептнинг майдон тузилиши таҳлили унинг когнитив белгилари ва лисонда акс эттирувчи воситаларни тўлиқ таркибини аниқлаб чиқишни тақозо этади. Бу эса, ўз навбатида, концептнинг нутқий реализациялари, шунингдек, миллий концептосфералар моделини яратиш имконини беради<sup>23</sup>.

---

<sup>23</sup> Стернин И.А. Методика исследования структуры концепта / И.А. Стернин // Методологические проблемы когнитивной лингвистики: научное издание. – Воронеж, 2001. – С.58-65.